

ОСОБЕННОСТИ И ВОЗМОЖНОСТИ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ДИЗАЙНА  
ОДЕЖДЫ В 3D-ТЕХНОЛОГИИ

Джураева Шахнозахон Гайратовна

PhD, Ташкентского института текстильной и легкой промышленности,  
Узбекистан, г.Ташкент

КИЙИМ ДИЗАЙНИНИ ЗД ТЕХНОЛОГИЯСИДА ЛОЙИҲАЛАШНИНГ  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Джураева Шахнозахон Гайратовна

PhD, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон,  
Тошкент ш.

**Аннотация:** Подбор и комбинирование национальных декоративных элементов для различных женских фигур с использованием возможностей автоматизированных систем, таких как *Marvelous designer*.

**Ключевые слова:** *Marvelous designer*, типы фигур, композиционно — цветографического построения орнамента, потребитель.

**Аннотация:** *Marvelous designer* каби автоматлаштирилган тизимларнинг имкониятларидан фойдаланиб турли аёллар қоматлари учун миллий декоратив элементларни танлаш ва қўллаш.

**Калит сўзлар:** *Marvelous designer*, қомат турлари, безакнинг композицион ва колорографик қурилиши, истеъмолчи.

Ҳар қандай миллий декоратив элемент ўзининг тузилиши, ранг-баранглиги, нақшларининг маъноси, яратилган жойи, ўлчами ва тикиш техникаси билан ўзига хосдир. Миллий декоратив элементлар билан кийим дизайнини моделлаштиришда юқорида санаб ўтилган хусусиятларга риоя қилиш керак. Ҳар бир дизайнер мода тенденцияларини [1] ҳисобга олиб, истеъмолчига ёқадиган муваффақиятли комбинацияларни қидиради. Ҳар бир истеъмолчи ўз гардеробини замонавий мода йўналишида тўлиқ яратишга ҳаракат қиласди. Миллий безак элементларини замонавий кийимларга қўллаш натижасида биз қадриятларимизни ҳам узоқ муддат сақлашга эришамиз.

Классик шимлар (қўқ, қора ёки қулранг), оддий оқ кўйлак, қора (бордо ёки қўқ) кўйлак, офис костюми турли хил ранглардаги миллий декоратив элементларни қўллаш учун асосдир. Бундай оддий, лекин айни пайтда миллий қадриятларимиз ҳар бир истеъмолчи учун қизиқарли ва қулайдир.


Кейинги вазифа ранг билан шуғилланишидир. Кийим конструктив жиҳатдан мукаммал бўлсада, лекин декоратив элементнинг нотўғри танланган ранги ва шакли бутун композициянинг қўринишни нолга чиқариши мумкин. Ҳар бир

дизайнер кийимни декоратив элементлар билан безатибина қолмай, балки композицияни түлиқ шакллантира оладиган жиҳатларини ҳам ҳисобга олиши керак. Демак, кийим учун декоратив элементлар танлаш жараёнида, истеъмолчининг соч, кўз, тери рангларини ва албатта нимага мўлжалланганлигини ҳисобга олиш керак. Бунда 3D технологияси (Marvelous designer) самарали натижага эришишга ёрдам беради, чунки бу дастурлар бизга тайёр маҳсулотни қоматда, динамикада бевосита кўриб баҳо беришга имкон беради. Бу жараёнда муаллифлар томонидан яратилган ўзбек миллий декоратив элементлари [2] маълумотлар базаси ҳам ёрдам беради, у ерда каштачиликнинг барча намуналари Ўзбекистоннинг ҳар бир тарихий-этнографик минтақасига ўхшашлигига қараб, безакларнинг композицион ва колорографик қурилишини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган.

Декоратив элемент ҳар бир кийимга мукаммал тарзда танланиши лозим. Натижада истеъмолчи талабидаги ва рақобатбардош кийимлар ҳосил бўлади.

Ҳар кимнинг ўзига хос тана тузилиши бор. Баъзиларининг тос суюги тор ва елкалари кенг, айримларнинг бел қисмида нуқсонлари билиниб [3] туради ва ҳоказо. Лекин шу билан бирга, таъкидлаш керакки, ҳар бир аёлнинг жисмоний ҳолати нафақат камчиликларга, балки афзалликларга ҳам эга, шу жиҳатларни ҳисобга олиб либос яратиш конструктор дизайнернинг вазифаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, турли хил қоматларда турлича нуқсонлар ёки умуман истеъмолчига ноқулайлик келтириб чиқарадиган томонлари мавжуд бўлса, улар декоратив элементлар ёрдамида бартараф этилиши мумкин [1-расм].




Расм.1. Аёл қоматларининг турлари

Marvelous designer 9 мұхитида декоратив элементлар ёрдамида ҳар хил турдаги қомат нуқсонларини қандай бартараф қилиш ва янги моделлар яратиш бўйича таҳдиллар ўтказилди.

Қум соат. Қум соат-бу елка кенглиги бўкса кенглиги билан тенг бўлган ва бели яққол сезилиб турадиган қоматдир. Аслида, бу қомат визуал ҳолда семизроқ кўринади. Визуал ҳолда қомат семиз кўринмаслиги учун, бел чизигини [4] доим таъкидлаш керак. Ушбу қомат турида ҳар доим бел ажратиб


кўрсатилганда, кийимнинг бел қисмida доим бурмалар пайдо бўлишини хисобга олиш керак. Шунга кўра, кийим учун кичик декоратив элементларни танлаш тавсия этилади.



Расм. 2. Marvelous designer 9 муҳитида қоматлар турига қараб декоратив элементларни танлаш ва таҳлил қилиш

Ноксимон ёки учбурчак қомат тури. Ушбу турдаги қомат жуда чиройли. Унда елка кенглиги бўкса кенглигидан кичикроқ бўлган қоматни ифодалайди. Бу ерда елка кенглигини тўғирлаш даркор. Яъни, улар визуал равишда кенгайтирилиши керак. Бунинг учун тананинг юқори қисмидаги горизонтал принтлардан фойдаланиш лозим [расм 2]. Либоснинг пастки қисми оддий, безаксиз бўлиши керак. Кийимнинг юқори қисмiga урғу бериш учун декорни қоматнинг юқори қисмга жойлаштириш лозим. Бундан ташқари, декор тўқроқ палитрада бўлса мақсадга мувофиқдир.


Тескари учбурчак қомат тури. Кўпинча бу қоматда кўкрак ва елкалари катта кўринишда бўлади. Лекин ҳар доим кичик бўксага эгадир. Вертикал принт ва кесиклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [расм 3].



Расм 3. Marvelous designer 9 муҳитида қоматлар турига қараб декоратив элементларни танлаш ва таҳлил қилиш

Визуал ҳажмни қўшиш учун ёрқин декоратив элементлардан фойдаланган ҳолда пастки қисмини катта ҳажмли шимлар ёки юбкаларни қўллаб кенгайтиришга эришилади.

Тўртбурчак қомат тури. Ушбу турдаги қоматларда елка, бел ва бўкса ҳажми бўйича тахминан тенг бўлади. Шунинг учун, елка ва бўкса [5] қисмлари торроқ кўринадиган қилиб коррекция қилинади. Бунинг учун катта ҳажмли енгларни ва катта безакли бошқа катта ҳажмли декорларни, шунингдек, нозик белга мосроқ турли хил декоратив элементларни танлаш лозим.



Расм 4. Marvelous designer 9 мұхитида қоматлар турига қараб декоратив элементларни танлаш ва таҳлил қилиш

Олма күринишидаги қомат тури. Ушбу турдаги қоматда елка ва бўкса [6] кенглиги белдан торроқ бўлади. Шаклни визуал равишда чўзиш учун елка ва бўкса кенглигини корректировка қилиш керак. Турли хил декорлар, кесиклар, виточкалар ёрдамида композицион марказни белдан узоқлаштиришга урғу берилади (4-расм).

Демак, қомат ностандарт күринишига эга бўлса ҳам, кийимда турли хил декорларни маҳорат билан қўллаш, шунингдек, образни ўзгартириш орқали замонавий күринишини яратиш мумкин, бунда замонамиздаги янги 3D технологиялардан унумли фойдалниш мақсадга мувофиқдир, зоро улар вақт сарфини камайтиради ва коррекцияга эга бўлўган буюмни қисқа вақт ичida кўздан кечириб тезкорликда якуний фикрга келишга ёрдам беради.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Djurayeva, Sh. G., Tashpulatov S.Sh. Muradov T.B. Development of information support for decorative elements for fashion industry objects. International Journal of European science review, ISSN 2310-5577, Vienna, Austria, 7-8 (2018), July-August, p.p.225-228
2. ©<https://www.livemaster.ru/topic/2280475-podbiraem-idealnyj-garderob-po-tipu-figury>
3. Tashpulatov S.Sh., Cherunova I.V., Rasulova M.K., Inogamjanov D.D., Djurayeva Sh.G. Development of the calculation method of polymer compound mass to be applied onto the textile garment pieces // Aegean International Textile and Advanced Engineering Conference (AITAE 2018) IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering 459 (2019) 012067 IOP Publishing doi:10.1088/1757-899X/459/1/012067 (Scopus).
4. Джураева Ш.Г., Ташпулатов С.Ш., Черунова И.В. Применение 3D технологий в моделировании дизайна одежды с элементами национального декора. Вестник Алматинского технологического университета. 2021;(3): 60-67.

5. Djurayeva, S. G. (2021). 3D technologies in the process of designing a costume with traditional Uzbek decorative elements. ISJ Theoretical & Applied Science, 08 (100), 7-11.

6. Ташпулатов С.Ш., Кадиров Т.Ж., Джураева Ш.Г Загустка пигментных красителей для текстильных материалов на основе модифицированного коллагена «Наукоёмкие технологии на службе экологии человека», сборник трудов МНТК, Ростов на Дону, ДГТУ, 2015, С. 55-58.

7. Патент РУз № IAP 05640, Печатная краска для отделки ткани. Кадиров Т.Ж., Джураева Ш.Г., Ташпулатов С.Ш. Официальный бюллетень-2018 г.

8. Джураева Ш.Г. Значение узбекских национальных декоративных элементов в мире // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2021. 8(89). URL: <https://7universum.com/ru/tech/archive/item/12196>.

9. Джураева Ш.Г. ОЦЕНКА КАЧЕСТВА УЗБЕКСКИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ДЕКОРАТИВНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ НА ДЕТАЛЯХ СОВРЕМЕННОЙ ОДЕЖДЫ // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2021. 8(89). URL: <https://7universum.com/ru/tech/archive/item/12202>

10. Джураева Ш.Г. РАЗРАБОТКА ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОЦЕССА ПРОЕКТИРОВАНИЯ ОДЕЖДЫ С УЗБЕКСКИМ ИСТОРИЧЕСКИМ КРОЕМ И НАЦИОНАЛЬНЫМИ ДЕКОРАТИВНЫМИ ЭЛЕМЕНТАМИ // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2021. 8(89). URL: <https://7universum.com/ru/tech/archive/item/12203>